



Oila psixologiyasi

OILAVIY
TEST

Reja :



- 1) Оила турмуши ва психологияси фанининг предмети ва вазифалари.
- 2) Оила, никох ҳақида тушунча ва унинг асоси.
- 3) Никох тузишнинг асосий шартлари.
- 4) Ўзбек миллий оиласининг ўзига хослиги.

1. Оила турмуши ва психологияси фанининг предмети ва вазифалари.

- Оила жамиятнинг бирлиги ва бирламчи заррасидир. Жамият ана шу кичик зарралардан ташкил топади.
- Ер юзида агар 5 миллиарддан ортиқ одам яшаса, уларнинг хар бири ўзига хос феъл-атворга эга. Ўзбекистонда 3,5 миллион оила мавжуд, хар йили 234 минг ёш оила вужудга келади, 710 минг бола туғилади, оила таркиби ўртача 5-6 кишидан иборадир.

- Оила турмуш психологияси илмининг асосий предмети ёш авлодни мустакил ҳаётга тайёрлаш, бўлажак оила бошқарувчиси сифатида оиладаги ўзаро муносабатлар: ахлокий, иқтисодий, ҳуқуқий, уларда «эркак», «аёл» фазилатларини таркиб топтириш, ўзаро муомала-муносабат одобини таркиб топтириш, она меҳри, ота ғамхўрлиги, оила бахти, оила турмушининг ҳамма муаммоларига масъулият билан ёндошадиган баркамол инсонни таркиб топтиришдан иборатдир.



Психологиянинг вазифаси- асосан никохоила муносабатларида намоён бўладиган хиссиёт, тасаввур урфодатларни рухий ходисаларнинг ижтимоий табиий манбаларини ўрганишдан иборат.

Оила педагогикаси - оиланинг болаларга кўрсатадиган таъсирини оиладаги тарбия қонуниятлари, воситаларини ота ёки онанинг болага таъсири, оила ва унинг бошқа тарбия муассасаларининг ўзаро муносабатини аниқлашдир.

2. Оила, никоҳ ҳақида тушунча ва унинг асоси.



- Никоҳ-бу эркак билан аёл ўртасидаги муайян иттифокнинг ва бу иттифокнинг жамият давлат томонидан тан олинishi ва маъқулланишининг тарихий шаклидир.
- Ўзбекистон Республикасининг «Оила кодекси» (1998 йил 30 апрелда тасдиқланган) 2-бўлим 3 бобга асосан никоҳ тузиш таркиби ва шартлари масалаларини ёритишга қаратилгандир.



- Куръони Каримнинг Бакара сураси - 223 оятида. Никохдан утиб оила куришдан асосий мақсад инсон авлодининг давомийлигидир. Никохга киришда янглишмаслик, мустаҳкам оила ташкил топишга олиб келади. Ахил тотув яшаш, ҳалол меҳнат муҳаббатга асосланган оила жамиятнинг муносиб авлод, ахлоқи пок жамият ишига, таракқиётимизга, мустақиллигимизга садокатли инсон тарбиялаб етказишда муҳим роль ўйнайди.



- Оила – жамиятнинг бир булагидир. Жамият катта кичик булакчалар, оиладан иборат. Бу булакчалар канчалик мустахкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустахкам, кучли, шарафли бўлади.



- **Оиладаги психологик муҳит** - бошқа ҳар қандай гурпуада бўлган қонунлардан таркиб топади. Бироқ оилада иш бирмунча мураккаброкдир. Унда кишилар ўз ҳаётининг кўпроқ қисмини ўтказади. Улар бир-бирлари билан кўпроқ самимий туйғулар ва муносабатлар орқали боғлангандир. Оила бахтининг асосида оиланинг психологик муҳити ётади. Оиланинг психологик муҳитига эр-хотинларнинг ҳам, умуман кишиларга ҳам оила аъзоларига ва бир-бирларига бўлган муносабатлари таъсир қилади.

3. Никох тузишнинг асосий шартлари.



- Никох сўзи- (арабча-қушилиш) ўзбек тилига араблардан кириб келган. Ўзбекистон Республикаси Никох ва оила кодексининг 13-моддасига биноан никох фукоролик ҳолатини далолатномаларининг руйхатидан ўтказиш юклатилган давлат органларида канд этилади, шундай никохгина ҳуқуқ ва мажбуриятни вужудга келтиради.



Никоҳ қуриш шартлари :

Никоҳдан утувчи шахсларнинг узаро розилиги (Ўзбекистон Республикасининг Никоҳ ва оила кодекси 17-моддаси)

Жиноят кодекси 136- моддасига кўра «Аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда ўзаро у билан никоҳда бўлиш учун ўғирлаш, шунингдек аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш – жазоланади.

Никоҳ ёшининг белгиланиши (Ўзбекистон Республикасининг Никоҳ ва оила кодексининг 18 - моддасида 18-ёш йигитлар, 17-ёш кизлар).

Оила кодексининг 16- моддасига кўра, никоҳ тузишга қуйидаги ҳолатлар монелик қилади:



Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон
Декларацияси.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят
кодекси.



Ўзбекистон Республикаси Оила
кодекси Адолат 1998 й.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят
кодекси Адолат.

4.Ўзбек миллий оиласининг ўзига ХОСЛИГИ.

- Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб оилани мустаҳкамлаш, оналик-болаликни муҳофаза қилиниши учун тинмай қайғурмоқда. Ўзбекистон 1998 йил – “Оила йили”, Ўзбекистон Республикасининг “Оила кодекси” ҳамда 1999 йилни “Аёллар йили”, 2012 – йил “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилинганлиги бежиз эмас.



- Ўзбек оиласининг асосий ўзига хос хусусиятлари меҳмондўстлик ва ёши катталарга анъанавий ҳурмат-еҳтиромли муомала қилишдир.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидаги фикрларни баён этади: «Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади. Оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекистоннинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиланинг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшнилари омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир»

- Ўзбек оиласидаги тарбиянинг ўзига хослиги ва қадр-қиммати шундаки, бу ерда фарзандлар онгига энг эътиқодни сингдириш жараёнида оиланинг катталари — боболар, момолар, яқин қариндош-уруғлар ҳам бевосита иштирок этадилар. Азалий туркий удумга биноан ота-онадан ҳам кўра бобо-бувиларнинг тарбиявий таъсири кучлироқ бўлади.

Ўзагининг ижтимоий мазмунига қараб, оила 3 та гуруҳдан ташкил топади:

Оиланинг асоси – никоҳ

Никоҳнинг натижаси
сифатида эр-хотин

Эр-хотин муносабатлари
оқибатида фарзанд

Эътиборингиз учун
рахмат!!!